

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонуни лойиҳасини (ID-22555 (V-1) кўриб чиқиб, қўйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасига асосан банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк миждозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни Давлат божхона қўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирув органи сифатида банк миждозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда прокурор санкцияси билан олишлари мумкин.

Шунингдек, банк миждозининг банк ҳисоб рақамидаги маблағлари (депозитлари) доирасида амалга ошириладиган операциялар божхона тўловлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмасдир, чунки банк миждози банк ҳисоб рақамидаги маблағларни эркин тасарруф этишга ҳақлидир.

Шу сабабли, божхона органи томонидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг ҳисоб рақамлари ва омонатларидаги (депозитларидаги) операциялар бўйича маълумотларни олиш қонунчиликка зид ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, лойиҳанинг биринчи моддаси тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси банк миждози бўлган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг божхона тўловлари бўйича мажбуриятлар ижроси билан боғлиқ тегишли маълумотларни, агар бу маълумотлар уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.”.